

**Асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2011 йил январь–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	96589,8	108,2
Саноат маҳсулоти	50730,6	107,7
Истеъмол товарлари	17976,8	107,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	24370,3	107,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	22067,0	111,6
Қурилиш ишлари	11311,8	111,5
Юк айланмаси, млрд. тн–км	84,8	107,6
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	89,7	108,7
Чакана товар айланмаси	36917,8	113,9
Пуллик хизматлар	13753,6	114,3
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	26286,5	100,9
Экспорт	14258,8	94,9
Импорт	12027,7	109,0

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2012 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми, дастлабки маълумотларга кўра, жорий нархларда

96589,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 8,2 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 83,6 фоизи (2011 йилнинг январь–декабрида 82,8 фоизи) иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 16,4 фоизи (17,2 фоизи) давлат секторида ишлаб чиқарилди.


Январь–декабрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 531,1 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони

498,5 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,9 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,1 фоизи), қишлоқ хўжалиги (21,3 фоизи), саноат (13,5 фоизи) ва қурилиш (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	301,6	100,0	271,0	100,0
шу жумладан:				
саноат	40,8	13,5	35,6	13,2
қурилиш	22,1	7,3	18,6	6,9
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	64,1	21,3	61,4	22,6
транспорт ва алоқа	10,2	3,4	9,0	3,3

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	21,6	7,2	18,8	6,9
савдо ва умумий овқатланиш аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	75,6	25,1	63,2	23,3
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	4,0	1,3	3,4	1,3
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	10,7	3,5	10,2	3,8
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	21,5	7,1	21,0	7,8
	31,0	10,3	29,8	11,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,6 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 51,1 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 19,2 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 21,4 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.



Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:






1 январь ҳолатига,

умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида

2011 й.

2012 й.



-  Давлат мулки
-  Хусусий корхоналар мулки
-  Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
-  Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар мулки
-  Бошқа мулкчилик шакллари

2012 йилнинг январь–декабрида жами 30,5 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 19,6 фоизи), Тошкент (9,5 фоизи), Самарқанд (8,8 фоизи), Қашқадарё (8,0 фоизи) ва Фарғона (7,5 фоизи) вилоятларига тўғри келади.


Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 21,3 фоизи – савдо ва умумий овқатланиш, 35,7 фоизи – қишлоқ хўжалиги, 17,9 фоизи – саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 22,4 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 7,0 мингтаси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 33,8 фоизи – савдо ва умумий овқатланиш, 18,0 фоизи – қишлоқ хўжалиги, 16,0 фоизи – саноат соҳасига тўғри келган.

2012 йилнинг январь–декабрида ялпи ички маҳсулот ва иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Кичик тадбиркорлик
(бизнес)**

2012 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 54,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпдир. 2012 йилнинг январь–декабрида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 33,9 фоизни ташкил этди, 2011 йилнинг январь–декабрида ушбу кўрсаткич 33,7 фоизга тенг бўлган.

2012 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларида:

9252,9 минг кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 75,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6851,8 минг нафари индивидуал сектор, 2401,1 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 11253,1 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 22,2 фоизи) ва 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 114,3 фоизни ташкил қилди;

7767,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 35,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 123,0 фоизни ташкил қилди;

7996,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,7 фоизи) бажарилди ва 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 115,4 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспортида юк айланмаси 9,4 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 81,4 фоизи), йўловчи айланмаси 9,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 87,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 45,3 фоизи ёки 16732,7 млрд. сўми (ўсиш 9,4 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 44,7 фоизи ёки 6146,4 млрд. сўми (ўсиш 9,8 фоиз) шакллантирилди;

2238,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 15,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди, 4518,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 37,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди.


2012 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	11253,1	31,9
Қишлоқ хўжалиги	23877,7	100,0
Қурилиш	7996,3	72,0
Чакана савдо	16732,7	66,9
Пулик хизматлар	6146,4	83,2
Юк ташиш, млн.тн	554,8	72,7
Йўловчи ташиш, млн.киши	5539,1	92,9
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2238,1	5,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	4518,5	12,9

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8442,7 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,2 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, ҳисобот даврида 83 та (дастурдаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп хусусийлаштирилган объектлар Тошкент шаҳрига (48 та объект) тўғри келади.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади – 71 та объект.

2012 йилнинг январь–декабрида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 32,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 62,8 фоизи) ва Хоразм вилоятига (16,2 фоиз) тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

2012 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмаси 26286,5 млн. АҚШ долларини, жумладан 14258,8 млн. АҚШ долларини – экспорт операциялари, 12027,7 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 118,5 фоизни (ўтган йилнинг шу даврида 136,1 фоизни) ташкил қилди.


Ташқи савдо қолдиғи 2231,1 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ мамлакатлари билан 3073,2 млн. АҚШ долларини, бошқа мамлакатлар билан минус 842,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2012 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	2011й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	26286,5	100,9
МДҲ мамлакатлари	12402,4	112,4
бошқа мамлакатлар	13884,1	92,4
Экспорт	14258,8	94,9
МДҲ мамлакатлари	7737,8	115,1
бошқа мамлакатлар	6521,0	78,6
Импорт	12027,7	109,0
МДҲ мамлакатлари	4664,6	108,0
бошқа мамлакатлар	7363,1	109,6
Қолдиқ	2231,1	х
МДҲ мамлакатлари	3073,2	х
бошқа мамлакатлар	-842,1	х

Январь–декабрда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа мамлакатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг ўзгариш динамикаси

	таркиби, % ҳисобида	ҳажм ўзгариши, % ҳисобида
	2012й. январь–декабрь	2011й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	94,9
пахта толаси	8,8	93,5
озиқ-овқат маҳсулотлари	6,2	44,1
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,4	91,2
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	35,3	181,0
қора ва рангли металллар	7,4	94,6
машина ва ускуналар	6,4	91,9
хизматлар	16,2	130,6

	таркиби, % ҳисобида	ҳажм ўзгариши, % ҳисобида
	2012й. январь–декабрь	2011й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
бошқалар	14,3	48,8
Импорт	100,0	109,0
озиқ–овқат маҳсулотлари	9,9	119,5
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,4	122,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	7,3	90,2
қора ва рангли металллар	7,8	108,7
машина ва ускуналар	45,4	109,3
хизматлар	6,1	130,1
бошқалар	9,1	88,9

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2012 йилнинг январь—декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Республика товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида	2011й. январь—декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	29,0	112,6
Хитой	12,3	119,7
Қозоғистон	10,5	109,6
Корея Республикаси	8,1	131,4
Туркия	4,6	102,3
Афғонистон	4,1	134,5
Украина	4,1	156,6
Эрон	1,5	87,5
Германия	1,9	60,7

	Республика товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида	2011й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Франция	1,1	69,8
Туркменистон	1,7	84,6
Бразилия	1,0	89,7
АҚШ	1,0	71,9
Латвия	0,9	118,4
Япония	0,8	131,6
Буюк Британия	0,8	116,0
Ҳиндистон	0,8	122,5
БАА	0,7	127,7
Тожикистон	0,6	135,7
Италия	0,6	88,9
Қирғизистон	0,6	90,3
Беларусь	0,6	96,9
Польша	0,5	137,4
Бангладеш	0,4	165,9
Австрия	0,4	97,9
Швейцария	0,4	89,7
Сингапур	0,4	105,8
Малайзия	0,3	125,9
Нидерландия	0,3	77,4
Бельгия	0,3	91,5


2012 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа мамлакатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДҲ




Бошқа мамлакатлар












Импорт

МДҲ



Бошқа мамлакатлар



-  Пахта толаси
-  Озиқ-овқат маҳсулотлари
-  Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
-  Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
-  Қора ва рангли металллар
-  Машина ва ускуналар
-  Хизматлар
-  Бошқалар

Саноат

2012 йилнинг январь–декабрида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 50730,6 млрд. сўмни ёки 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 107,7 фоизни ташкил этди.

17976,8 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 107,6 фоизни ташкил этди, жумладан, 7946,6 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари (108,4 фоиз), 10030,2 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (107,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2012 йилнинг январь–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011 й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	50730,6	107,7
шу жумладан:		
электроэнергетика	4007,3	102,4
ёқилғи саноати	9294,8	106,2
қора металлургия	1240,2	103,6
рангли металлургия	5065,5	102,6
кимё ва нефт–кимё саноати	2670,8	106,4
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	8627,9	112,4
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	589,8	104,6
қурилиш материаллари саноати	2719,2	111,0
енгил саноат	6529,0	112,0
озиқ–овқат саноати	7087,9	106,5
Истеъмол маҳсулотлари	17976,8	107,6
шу жумладан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари	7946,6	108,4

2011 й.
январь–декабрига
нисбатан фоиз
ҳисобида

ноозиқ–овқат маҳсулотлари


млрд. сўм












10030,2

107,0

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши
қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



-  Электроэнергетика
-  Ёқилғи саноати
-  Қора металлургия
-  Рангли металлургия
-  Кимё ва нефт– кимё саноати
-  Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
-  Ёғочни қайта ишлаш
ва целлюлоза– қоғоз саноати
-  Қурилиш материаллари саноати
-  Енгил саноат
-  Озиқ– овқат саноати
-  Бошқа тармоқлар

Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот
турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)

	2012 йил январь– декабрь	2011 йил январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи–энергетика саноати		
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	52,5	100,2
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	18,9	99,8
Кўмир, минг тн	3852,8	100,2
Суюлтирилган газ, минг тн	273,6	105,9
Қора металлургия		
Пўлат, минг тн	750,0	100,5
Тайёр прокат, минг тн	710,5	100,1
Пўлат қувурлар, минг тн	91,3	106,5
Сирланган пўлат идишлар, минг тн	2,2	100,7
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Синтетик аммиак, минг тн	1360,0	105,1
Минерал ўғитлар, минг тн	1221,4	104,2
Ўсимликларни ҳимоя воситаси, тн	3188,5	103,9
Каустик сода, минг тн	25,2	102,9
Полиэтилен, минг тн	125,5	95,2
Карбоксиметилцеллюлоза, тн	2000	178,7
Метанол ректификат, тн	7778	99,8
Полипропилен қошлар, млн. дона	59,6	108,3
Олтингугурт кислотаси, минг тн	1275,5	110,8
Хлор кислотаси, минг тн	49,7	116,6
Синтетик ювиш воситалари, тн	359	2,1 м.

	2012 йил январь– декабрь	2011 йил январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, минг дона (махсуслардан ташқари)	235,5	106,4
Юк автомобиллари, дона	2605	174,0
Махсус автомобиллар, дона	683	117,8
Лифтлар, дона	174	140,3
Автомобиль двигателлари, дона	28072	–
Аккумуляторлар, минг дона	530,0	117,0
Тракторлар, дона	1494	85,3
Трактор сеялқалари, дона	1128	173,3
Трактор плуглари, дона	75	133,9
Ўраш учун ишлатиладиган ва эмаль симлар, тн	819,4	141,6
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	17836	93,2
Назорат кабеллари, км	1233	104,4
Резина ичакли симлар, км	11486	102,7
Ўрнатиладиган симлар, км	25362	105,0
Ҳаво линиялари электр узаткичлари учун изоляцияланмаган алоқа симлари, тн	6243	151,7
Электр дазмоллар, дона	17800	148,3
Электрни тежовчи лампалар, минг дона	2007,6	3,0 м.
Кир ювиш машиналари, дона	4832	103,8

	2012 йил январь– декабрь	2011 йил январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Кондиционерлар, минг дона	46,5	4,0 м.
Микротўлкинли печлар, дона	9501	2,5 м.
Электр чойнаклар, минг дона	12,0	12,0 м.
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	6782,4	101,3
Қуруқ қурилиш аралашмалари, минг тн	30,4	2,2 м.
Асфальтобетон, минг тн	624,3	106,1
Асбестоцемент листлар (шифер), млн. шартли плиталар	259,2	130,8
Гипсли тош, минг тн	381,0	157,7
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Тобланган автомобил ойналари, минг метр квадрат	859,5	103,9
Дераза ойналари (2 мм.га ҳисобланган), минг метр квадрат	13051,4	104,5
Консерва шиша идишлари, млн. дона	292,0	113,0
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	1095,5	99,4
Пахта момиғи, минг тн	78,7	104,5
Ипак газламалар, минг кв.м.	1069,3	100,9
Пахта толали ип газламалар, млн. дона	140,6	113,5
Пахта толали матолар, минг кв.м.	56,4	117,5
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	3198,1	183,4

	2012 йил январь– декабрь	2011 йил январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Гидам ва гидам маҳсулотлари, минг кв.м.	696,7	115,8
Тери маҳсулотлари, минг кв.дм.	76582,0	8,4 м.
Озиқ–овқат саноати		
Ўзум виноси, минг дал	2342,0	110,5
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	12534,0	107,3
Коньяк, минг дал	106,8	111,4
Шакар, минг тн	323,1	100,1
Ош тузи, тн	30300	100,7
Алкоголсиз ичимликлар, млн.дал	27,4	116,7
Газланган сувлар, минг дал	523,0	104,4
Сариёғ, тн	202	3,0 м.
Мева ва сабзавот консервалари, млн. шартли банкалар	115,7	145,3
Балиқ консервалари, минг шартли банкалар	143	158,9
Табийий чой, минг тн	13,8	108,4
Маргарин маҳсулотлари, тн	15030	110,4
Қандолат маҳсулотлари, тн	314	185,8
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	1345,5	91,2
Омихта ем, минг тн	910,3	100,0
Бошқа тармоқлар		

	2012 йил январь– декабрь	2011 йил январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Целлюлоза, тн	7408	133,5
Тоза қоғоз моллари, млн.сўм	21849,5	136,2
Мактаб дафтарлари, минг дона	43375,0	127,1
Меламин қатлам (пленка), минг метр квадрат	546	109,2


Қишлоқ хўжалиги

2012 йилнинг январь–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари–ни ишлаб чиқариш ҳажми 24370,3 млрд. сўмни ёки 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 фоизни ташкил қилди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 14155,3 млрд. сўмни (107,0 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари – 10215,0 млрд. сўмни (107,1 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида деҳқон хўжалиklarининг улуши 63,5 фоизни (2011 йилнинг январь–декабрида 63,7 фоизни), фермер хўжалиklarининг улуши – 34,4 фоизни (34,1 фоизни), қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши – 2,1 фоизни (2,2 фоизни) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Дехқончилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончиликнинг улуши 58,1 фоизни (2011 йилда – 57,8 фоиз) ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2012 йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони, дастлабки маълумотларга кўра, 3627,0 минг гектарни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1627,5 минг гектарни ёки 2011 йил январь–декабрига нисбатан 101,3 фоизни, шу жумладан буғдой экин майдони – 1403,9 минг гектарни (98,0 фоизни) ташкил қилди.

Пахта экин майдони 1308,2 минг гектарни ёки 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 98,4 фоизни ташкил этди.

Картошка экин майдонлари 3,4 фоизга, сабзаёт экин майдони 4,7 фоизга ўсди, шу билан бирга полиз экин майдони 17,0 фоизга, озуқа экинлари майдони 0,2 фоизга қисқарди.

2012 йилнинг январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7515,2 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шу жумладан 6793,7 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 6612,1 минг тоннаси буғдойни ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий донли экинлар ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

2012 й. январь–декабрь	
минг тонна	якунга нисбатан фоиз ҳисобида

**2012 й.
январь–декабрь**

	минг тонна	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	7515,2	100,0
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	6793,7	90,4
шундан:		
буғдой	6612,1	88,0
дон учун маккажўхори	327,6	4,4
шоли	325,4	4,3
бошқалар	68,5	0,9

Ҳисобот даврида 2056,1 минг тонна картошка, 7766,5 минг тонна сабзаёт, 1418,4 минг тонна полиз экинлари, 2052,6 минг тонна мева ва резаворлар ва 1204,6 минг тонна узум йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 41,9 фоизни ташкил этди.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар бўйича йирик шохли қорамоллар бош сони 498,8 минг бошга (5,2 фоизга), шу жумладан сигирлар – 56,8 минг бошга (1,5 фоизга), қўй ва эчкилар – 941,7 минг бошга (5,8 фоизга), паррандалар – 4754,6 минг бошга (11,1 фоизга) кўпайди.

Деҳқон хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,8 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,2 фоизни, шу жумладан сигирлар мос равишда – 94,5 ва 4,7 фоизни, қўй ва эчкилар – 82,7 ва 7,4 фоизни, чўчқалар – 80,9 ва 8,6 фоизни, паррандалар – 64,1 ва 12,1 фоизни ташкил этди.

2012 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 1672,9 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2011 йилга нисбатан 7,0 фоизга кўп), 7310,9 минг тонна сут (8,1 фоизга), 3873,7 млн. дона тухум (12,6 фоизга), 31,1 минг тонна жун (8,3 фоизга), 1116,9 минг дона қоракўл тери (9,3 фоизга) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2012й. январь–декабрь	2011 йил январь–декабрга нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1672,9	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	45,1	110,0
деҳқон хўжаликлари	1583,9	106,9
қишлоқ хўжалик корхонала-ри	43,9	105,5
Сут, минг тн.	7310,9	108,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	256,8	111,6
деҳқон хўжаликлари	7008,5	107,9
қишлоқ хўжалик корхонала-ри	45,6	109,8
Тухум, млн. дона	3873,7	112,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	464,6	124,1
деҳқон хўжаликлари	2113,7	112,7
қишлоқ хўжалик корхонала-ри	1295,4	108,7
Жун, тн.	31069	108,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	2105	108,6
деҳқон хўжаликлари	26740	110,5
қишлоқ хўжалик корхоналари	2224	87,2

	2012й. январь–декабрь	2011 йил январь–декабрга нисбатан фоизда
Қоракўл тери, минг дона	1116,9	109,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	46,1	106,4
деҳқон хўжаликлари	745,8	115,9
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	325,0	96,9

Деҳқон хўжалиklarининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,7 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,9 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 56,4 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 86,1 фоизни, қоракўл териси ишлаб чиқаришда 66,8 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2012 йилнинг январь–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8377,2 млрд.сўмни ёки 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,9 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 34,4 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarига бириктирилган умумий ер майдони 5854,3 минг гектарни ташкил қилди.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 524,9 минг бошни, шу жумладан сигирлар 183,1 минг бошни, қўй ва эчкилар 1267,3 минг бошни, паррандалар 5739,6 минг бошни ташкил қилди.

2012 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар – 17,7 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 фоизга), шу жумладан сигирлар – 9,1 минг бошга (ёки 5,2 фоизга), қўй ва эчкилар – 64,0 минг бошга (ёки 5,3 фоизга), паррандалар – 765,4 минг бошга (ёки 15,4 фоизга) кўпайди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши қуйидагича ифодаланади:

	2012 й.		2011 й.га нисбатан ўсиш сурати, фоизда
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Донли экинлар	6062,1	80,7	105,4
Пахта	3439,3	99,4	98,7
Картошка	487,3	23,7	122,5
Сабзавотлар	2732,7	35,2	110,4
Полиз экинлари	731,0	51,5	111,8
Мевалар	962,1	46,9	108,1
Узум	664,0	55,1	109,2
Гўшт	45,1	2,7	110,0
Сут	256,8	3,5	111,6
Тухум, млн. дона	464,6	12,0	124,1
Жун, тонна	2105	6,8	108,6
Қоракўл, минг дона	46,1	4,1	106,4

Инвестициялар ва қурилиш

2012 йилнинг январь–декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ доллараридаги эквивалент ҳажми 11,7 млрд. АҚШ долларини ёки 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 114,0 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг январь–декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 22067,0 млрд. сўмга тенг бўлди ёки ўтган йил шу даврига нисбатан 111,6 фоизни ташкил

килди.

2012 йилнинг январь–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

	жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича					
		Давлат бюджети маблағлари	суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чег эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фонdlар маблағлари *)
Жами	22067,0	5,1	0,4	50,8	21,7	11,4	10,6
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	4963,8	20,9	1,7	30,3	11,8	2,1	33,2
нодавлат	17103,2	0,5	–	56,8	24,5	14,1	4,1

2012 йилнинг январь–декабрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами	22067,0	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	14690,8	66,6
саноат	7622,6	34,5


*) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
шу жумладан:		
ёқилғи-энергетика саноати	3768,4	17,1
металлургия	649,8	2,9
кимё ва нефт-кимё саноати	499,9	2,3
машинасозлик	953,8	4,3
енгил саноат	618,8	2,8
озиқ-овқат саноати	398,0	1,8
қурилиш материаллари саноати	415,8	1,9
қишлоқ хўжалиги	905,8	4,1
қурилиш	508,1	2,3
транспорт ва алоқа	4026,9	18,3
савдо ва овқатланиш	888,0	4,1
геология ва ер ости бойликларини излаш	422,0	1,9
бошқалар	317,4	1,4
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	7376,2	33,4
уй-жой қурилиш	4402,5	19,9
коммунал хўжалик	439,2	2,0
соғлиқни сақлаш	815,0	3,7
таълим	609,8	2,8
маданият ва санъат	145,8	0,6

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
бошқалар	963,9	4,4

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияси ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 7376,2 млрд. сўми уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 33,4 фоизни ташкил этди.

2012 йилнинг январь-декабрида умумий майдони 10162,2 минг метр квадратга тенг бўлган 80,5 мингта уй ёки 82,4 мингта хонадон (2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан 110,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 7706,0 минг метр квадратга тенг бўлган (109,3 фоиз) уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан соғлиқни сақлаш объектларининг қурилишига – 815,0 млрд. сўм (умумий ҳажмга нисбатан 11,0 фоиз), таълим объектларининг қурилишига – 609,8 млрд. сўм (8,3 фоиз), маданият ва санъат объектларининг қурилишига – 145,8 млрд. сўм (2,0 фоиз), коммунал қурилишга – 439,2 млрд. сўм (6,0 фоиз) ва бошқа объектлар қурилишига – 963,9 млрд. сўм (13,1 фоиз) сарфланди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуриш ва капитал қайта таъмирлашга – 233,0 млрд. сўм, бошқа соғлиқни сақлаш объектларига – 20,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди,

бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 28,6 ва 2,5 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасаларини қуриш ва қайта таъмирлашга 58,0 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 9,5 фоизини ташкил қилди.

Лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 128,6 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 21,1 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 247,7 млрд. сўм, шундан чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 119,1 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 48,1 фоизи), бюджет маблағлари ҳисобидан 81,9 млрд. сўм (33,1 фоизи), корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 32,0 млрд. сўм (12,9 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 14,7 млрд. сўм (5,9 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди. Газ тармоқлари қурилишига 10,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 9,8 млрд. сўм (96,1 фоизи), корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 0,4 млрд. сўм (3,9 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2012 йилнинг январь–декабрида 11311,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 111,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,3 фоизи корхоналарни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлашга, 17,8 фоизи капитал ва жорий таъмирлашга, шунингдек 1,9 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2012 йилнинг январь—декабрида барча транспорт турлари томонидан 1343,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2011 йилнинг январь—декабрига нисбатан 105,4 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 84,8 млрд.тн—км.ни ташкил қилди ва 2011 йилнинг январь—декабрига нисбатан 7,6 фоизга ўсди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2012 й. январь—декабрь	2011 йил январь—декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	1343,9	105,4
темир йўл транспортида	62,0	104,8
автомобил транспортида	1216,0	105,2

	2012 й. январь–декабрь	2011 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
ҳаво транспортида, минг тн	24,0	78,1
қувур йўллари орқали	65,9	110,0
Юк айланмаси, млн. тн–км	84762,9	107,6
темир йўл транспортида	22845,6	101,6
автомобил транспортида	27695,5	106,1
ҳаво транспортида	123,2	75,8
қувур йўллари орқали	34098,6	113,4

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий
ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



2012 йилнинг январь–декабрида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	62023,8	104,8
шу жумладан:		
тошқўмир	3430,0	125,4
нефт маҳсулотлари	13479,5	98,3
қора металллар	1004,1	102,8
қора метал темир–терсаклари	894,9	100,7
кимёвий ва минерал ўғитлар	4236,5	83,5
қурилиш материаллари	6334,2	94,8
цемент	4550,6	107,2
ёғоч–тахта материаллари	129,3	125,1
дон ва янчилган дон маҳсулотла–ри	1433,6	100,6

Автомобил транспортида 1216,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 27,7 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 6,1 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2011 йилнинг январь–декабрь даражасидан 8,4 фоизга кўпайди ва 20,8 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 75,1 фоизни (2011 йилнинг январь–декабрида – 73,6 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 24,0 минг тонна юк жўнатилиб, 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 21,9 фоизга, юк айланмаси эса 24,2 фоизга камайди ва 123,2 млн.тн–км.ни ташкил қилиди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 13,4 фоизга кўпайди ва 34,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 6744,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 5,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 8,7 фоизга кўпайиб, 89,6 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2012 й. январь–декабрь	2011 й. январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	6744,3	105,8
темир йўл транспортида	16,0	107,4
автомобил транспортида	6645,1	105,8
ҳаво транспортида	2,5	118,6
шаҳар электр транспортида	80,7	101,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	89661,6	108,7
темир йўл транспортида	3460,6	114,4
автомобил транспортида	78637,6	108,2
ҳаво транспортида	7022,7	112,4
шаҳар электр транспортида	540,7	100,3

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,5 фоизни, йўловчи айланмасида эса 87,7 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 7,4 фоизга ошди ва 16,0 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 14,4 фоизга ошди ва 3460,6 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 2541,8 мингта йўловчи ташилди, бу 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан 18,6 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса 7022,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, 12,4 фоизга кўпайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2,4 фоизга кўпайди.

Товарлар ва хизматлар бозори

2012 йилнинг январь-декабрида чакана товар айланмаси 36917,8 млрд. сўмни ёки 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан 113,9 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 51,8 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 48,2 фоизни ташкил қилди (2011 йилнинг январь-декабрида мос равишда – 50,2 ва 49,8 фоиз).

2012 йилнинг январь-декабрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011 й. январь- декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	36917,8	113,9
давлат мулки	78,3	101,9
нодавлат мулки	36839,5	113,9
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	26833,0	116,1

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 13736,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2011 йилнинг январь-декабрига

нисбатан 5,1 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 37,2 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 24,4 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 20,2 фоизга ошди ва 15398,9 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 41,7 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 7782,9 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 19,1 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 21,1 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг январь–декабрида чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011 йилнинг январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	36917,8	113,9	100,0
савдо корхоналари	13736,0	105,1	37,2
бозорлар	23181,8	119,8	62,8
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	7782,9	119,1	21,1
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	15398,9	120,2	41,7

2012 йилнинг январь–декабрида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 13753,6 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2011 йилнинг январь–декабрига нисбатан 114,3 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб, бу секторда хизматлар ҳажми 8881,9 млрд. сўмни (умумий ҳажмнинг 64,6 фоизи) ташкил қилди ва 14,5 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,7 фоизга ўсиб, 4871,7 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 35,4 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 82,4 фоизни ташкил қилди.

2012 йил январь–декабрда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	13753,6	100,0
давлат мулки	2421,0	17,6
нодавлат мулки	11332,6	82,4
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	5135,8	37,3

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 7,7 фоиз–ни ёки 1061,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ўсиш суръати 2011 йил январь–декабрга нисбатан 15,6 фоизга тенг бўлди.

Маиший хизматларнинг 86,7 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилган хизматларга тўғри келди. Ушбу сектордаги хизматлар ҳажми 921,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва 14,7 фоизга ошди.

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари умумий ҳажми 51809,0 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2011 йилнинг январь–декабрга нисбатан 14,2 фоизга ошди.

2012 йил январь–декабрда фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	51809,0	100,0

шу жумладан асосий турлари бўйича:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	3081,1	6,0
Компьютерли дастурлаш хизматлари	74,6	0,1
Молиявий хизматлар	4354,8	8,4
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	15253,3	29,4
Қурилиш хизматлари	2177,6	4,2
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	319,8	0,6
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	67,2	0,1
Туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)	235,5	0,5
Савдо ва овқатланиш хизматлари	11390,1	22,0
Маиший хизматлар	1079,1	2,1
Таълим хизматлари	1395,0	2,7
Соғлиқни сақлаш хизматлари	480,3	0,9
Бошқа хизматлар	11900,6	23,0

Соғлиқни сақлаш хизматлари (134,1 фоиз), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (128,9 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (124,5 фоиз), маиший хизматлар (121,5 фоиз), қурилиш хизматлари (117,7 фоиз), туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) (117,6 фоиз), молиявий хизматлар (117,6 фоиз), савдо ва овқатланиш хизматлари (116,1 фоиз), транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (112,4 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 29,4 фоизи), савдо ва овқатланиш (22,0 фоизи), молиявий хизматлар (8,4 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,0 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Аҳоли омонатлари

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахслар – резидентларнинг сўм ва валюта ҳисоб варақларидаги омонатлари ҳажми 4098,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2012 йил бошига нисбатан 25,1 фоизга (822,8 млрд. сўм) кўпайди.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларнинг валюта ҳисоб варақларидаги жамғармаларининг сўмдаги эквиваленти 808,2 млрд. сўмни ташкил қилди (жами омонатлар ҳажмининг 19,7 фоизи) ва 42,5 фоизга кўпайди.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
Жами	4098,8	808,2	100,0	100,0
шундан:				
Халқ банки	1018,7	17,7	24,9	2,2
Агробанк	620,3	0,8	15,1	0,1
ТИФ Миллий банки	516,9	180,2	12,6	22,3
Асака банк	310,2	109,1	7,6	13,5
Ўзсаноатқурилишбанк	268,4	21,1	6,5	2,6

	млрд. сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида а	жами	шу жумладан чет эл валютасида а
Ипотека–банк	256,3	6,3	6,3	0,8
Капиталбанк	234,6	210,1	5,7	26,0
Ҳамкорбанк	153,4	90,4	3,7	11,2
Ипак йўли банк	144,9	58,5	3,5	7,2
Қишлоқ қурилиш банк	114,6	3,9	2,8	0,5
Алоқабанк	95,4	4,4	2,3	0,5
Микрокредитбанк	79,4	9,4	1,9	1,2
Туронбанк	75,1	32,9	1,8	4,1
Трастбанк	34,9	2,2	0,9	0,3
Orient finance bank	33,1	26,1	0,8	3,2
Инвест финанс банк	29,3	12,0	0,7	1,5
Савдогарбанк	26,2	1,8	0,6	0,2
ЎзКДБ банк	14,3	12,7	0,3	1,6
Туркистон банк	13,6	–	0,3	–
Кредит–стандарт банк	12,0	0,0	0,3	0,0
Самарқанд банк	8,9	–	0,2	–
RBS O`zbekiston MB	7,7	5,0	0,2	0,6

	млрд. сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
Asia allians bank	6,7	0,9	0,2	0,1
Универсал банк	6,7	0,0	0,2	0,0
Бошқалар	17,2	2,7	0,4	0,3

Кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар

2012 йилда тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига 7235,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, уларнинг 6991,3 млрд. сўми (96,6 фоизи) – миллий валютада, 244,3 млрд. сўми (3,4 фоизи) – хорижий валютада берилган.

2011 йилга нисбатан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 32,3 фоизга (1764,5 млрд.сўмга) ошди.

Банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 5209,8 млрд. сўм (ажратилган кредитлар умумий суммасининг 72,0 фоизи), Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб фонди ҳисобидан – 1834,2 млрд. сўм (25,3 фоизи), халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан – 186,8 млрд. сўм (2,6 фоизи), бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан – 4,8 млрд. сўм (0,1 фоизи) ажратилди.

Ажратилган кредитлар умумий суммасининг 57,4 фоизи (4154,4 млрд. сўм) – узоқ муддатли кредитларга, 42,6 фоизи (3081,2 млрд. сўм) – қисқа муддатли кредитларга тўғри келади.

2012 йилда кичик корхона ва микрофирмаларга – 4343,0 млрд. сўм (ажратилган кредитлар умумий суммасининг 60,0 фоизи), дехқон ва фермер хўжаликларига – 2103,4 млрд. сўм (29,1 фоизи), якка (хусусий) тадбиркорларга – 719,5 млрд. сўм (9,9 фоизи), шахсий

ёрдамчи хўжаликларга – 69,7 млрд. сўм (1,0 фоизи) кредитлар ажратилди.

2012 йилда кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми республика ҳудудлари кесимида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажм– га нисбатан фоиз ҳисобида	2011 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ўзбекистон			
Республикаси	7235,6	100,0	132,3
Қорақалпоғистон			
Республикаси	282,1	3,9	127,7
вилоятлар:			
Андижон	498,2	6,9	127,5
Бухоро	393,1	5,4	130,2
Жиззах	277,2	3,8	124,2
қашқадарё	519,2	7,2	138,6
Навоий	283,1	3,9	117,4
Наманган	365,0	5,0	134,3
Самарқанд	621,4	8,6	140,7
Сурхондарё	439,9	6,1	145,8
Сирдарё	260,1	3,6	125,0
Тошкент	708,1	9,8	125,2
Фарғона	549,2	7,6	139,6
Хоразм	317,8	4,4	135,0
Тошкент шаҳри	1721,3	23,8	132,3

Нарх ва тарифлар

Январь–декабрда
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(наrx–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

ўртача ойлик
даражаси

декабрь оyi ўтган
йилнинг декабрига
нисбатан

	2011 й.	2012 й.	2011 й.	2012 й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	7,6	7,0
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,6	0,9	20,4	10,8
Юк ташиш тарифла- рининг индекси	2,4	1,5	33,1	19,8
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,4	0,4	4,4	4,6

**Январь–декабрда саноат тармоқлари бўйича
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2011 й.	2012 й.
Жами	120,4	110,8
шу жумладан:		
электроэнергетика	119,4	113,1
ёқилғи саноати	125,0	103,1
қора металлургия	106,8	112,6
рангли металлургия	109,3	114,5
кимё ва нефт–кимё саноати	120,1	109,8
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	119,1	114,2
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	117,9	109,8
қурилиш материаллари саноати	121,5	121,3
енгил саноат	119,0	108,7
озиқ–овқат саноати	130,8	111,7
ун–ёрма саноати	124,1	115,0

**Январь–декабрда транспорт турлари бўйича
юк ташиш тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2011 й.	2012 й.
Юк транспорти – жами	133,1	119,8
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	152,0	113,7
автомобил транспорти	128,9	125,4
ҳаво транспорти	110,1	108,2
қувур йўллари	126,1	121,8

**Январь–декабрда юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2011 й.	2012 й.
Жами хизматлар	104,4	104,6
шу жумладан:		
почта алоқаси	100,0	101,4
шаҳар телефон алоқаси	100,0	101,1
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	134,8	112,7
уяли алоқа	109,2	110,6

Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига доимий аҳоли сони 29994,6 минг кишини ташкил қилди ва 2012 йил бошига нисбатан 439,2 минг кишига ёки 1,5 фоизга кўпайди. Шундан 51,1 фоиз аҳоли ёки 15315,3 минг киши шаҳар ва 48,9 фоиз аҳоли ёки 14679,3 минг киши қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Январь–декабрда аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2011 йил	2012 йил
Туғилганлар	21,2	21,0
Ўлганлар	4,9	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар ^{*)}	10,4	10,5
Никоҳлар	9,8	10,0
Ажралишлар	0,6	0,6

Туғилиш даражаси. 2012 йилнинг январь–декабрида туғилиш коэффиценти 21,0 промиллени ташкил қилди ва 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 промиллега камайди (2011 йил январь–декабрида 21,2 промилле).

Ўлим даражаси. 2012 йилнинг январь–декабрида ўлим коэффиценти 4,9 промиллени ташкил қилди (2011 йилнинг январь–декабрида – 4,9 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 61,7 фоизи – қон айланиш системаси касалликларидан, 7,6 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,1 – фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,8 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь–декабрида бир ёшгача болалар ўлими сони 6,6 мингтани ташкил қилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 47,4 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 35,0 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 7,3 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,5 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. 2012 йилнинг январь–декабрида ФҲДЁ органларида 299,1 минг никоҳ ва 17,9 минг ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 10,0 та (2011 йилнинг январь–декабрида – 9,8 та) никоҳ ва 0,6 та (2011 йилнинг январь–декабрида – 0,6 та) ажралишлар тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь–декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 169,1 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони 208,8 минг кишини ташкил қилди.

Миграция сальдоси минус 39,7 минг кишини (2011 йилнинг шу даврида минус 47,5 минг киши) ташкил қилди.

^{*)} Ҳар 1000 та туғилганга

Ишсизлик^{*)}. 2012 йил декабрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 6,0 минг кишини (2011 йилнинг шу даврида – 12,9 минг киши) ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикаси”га асосан аниқланган ишсизлар сони 2012 йилнинг январь–декабрида 626,3 минг кишини ташкил қилиб, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тенг бўлди.

Республика миқёсида юқори ишсизлик даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (ишсизлар сони – 41,3 минг киши ёки иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 6,4 фоиз), Самарқанд (74,6 минг киши ёки 5,4 фоиз), Андижон (66,3 минг киши ёки 5,3 фоиз), Қашқадарё (58,3 минг киши ёки 5,3 фоиз), Наманган (49,0 минг киши ёки 5,3 фоиз), Хоразм (35,7 минг киши ёки 5,3 фоиз), Сурхондарё (46,6 минг киши ёки 5,2 фоиз), Жиззах (21,2 минг киши ёки 5,0 фоиз) ва Фарғона (73,2 минг киши ёки 5,0 фоиз) вилоятларида кузатилди.

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида.